

501  
А - 25

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ


ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

Г.Қ. АБДУРАҲМОНОВА

# КИЧИК БИЗНЕСДА АҲОЛИНИ ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ

МОНОГРАФИЯ

834228



2/3

ТОШКЕНТ – “ИҚТИСОДИЁТ” – 2014

УЎК: 331.5  
КБК: 65.9(2)240

**Абдурахмонова Г.К. Кичик бизнесда аҳолини иш билан таъминлаш. Монография. –Т.: Иктисодиёт, 2014. – 216 б.**

Ушбу монографияда иш билан бандлик Ўзбекистон иктисодиётининг муҳим сектори, аҳолини иш билан таъминлаш ва даромадини оширишнинг асосий воситаларидан бирига айланган. Кичик бизнеснинг назарий асослари, бу соҳани устувор ривожлантириш мақсадида яратилган ташкилий, ҳуқуқий, институционал ва иктисодий асослар, унинг мамлакатда барқарор иктисодий ўсишни таъминлаш, экспорт салоҳиятини оширишдаги роли, соҳа субъектларини бошқариш, уларнинг молиявий-хўжалик фаолиятини йўлга қўйиш масалалари атрофлича таҳлил этилган.

Бу жараёнда кичик бизнес субъектларининг республикада долзарб ижтимоий муаммони ҳал қилиш – янги иш жойларини яратиш, аҳолини иш билан таъминлаш даражасини оширишга қўшаётган хиссасига кенг ўрин берилган. Шунингдек, уларнинг иктисодий самарадорлигини ошириш, аҳолини иш билан таъминлашдаги ролини кучайтириш бўйича эътиборга молик амалий таклифлар берилган.

Монография иктисод йўналишидаги таълим муассасалари талабалари ва ўқитувчиларига мўлжалланган.

**Масъул муҳаррир:** И.ф.д., проф. – И. Иватов.

**Такризчилар:** И.ф.д., проф. – Б.Х. Умурзаков – Г.В. Плеханов номидаги Россия иктисодиёт университети филиали,  
и.ф.н., доц., – Н.Т. Шююсупова – ТДИУ “Мехнат ва ижтимоий соҳа иктисодиёти” кафедраси.

ISBN 978-9943-4022-0-1

УЎК: 331.5  
КБК: 65.9(2)240

## МУНДАРИЖА

<b>КИРИШ</b> .....	5
<b>I боб. АҲОЛИ ИШ БИЛАН БАНДЛИГИНИНГ НАЗАРИЙ-МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ</b> .....	9
1.1. Меҳнат бозорида иш билан бандликка назарий ёндашувларнинг тадрижий ривожланиши.....	9
1.2. Иш билан бандликни таъминлашнинг ташкилий, ҳуқуқий ва институционал механизмлари.....	24
1.3. Аҳоли иш билан бандлигида демографик ва миграция омилларининг аҳамияти.....	38
<b>II боб. КИЧИК БИЗНЕС ИҚТИСОДИЙ ҶСИШ ВА АҲОЛИНИ ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАШНИНГ АСОСИЙ ОМИЛИ СИФАТИДА</b> .....	54
2.1. Кичик бизнеснинг бозор иқтисодиётидаги ўрни.....	54 3
2.2. Иқтисодиётнинг кичик секторини тартибга солиш механизмлари.....	62 4
2.3. Кичик бизнесни ривожлантириш орқали аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш бўйича хориж тажрибаси....	74
<b>III боб. КИЧИК БИЗНЕС – ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИНИ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНТИРИШ, АҲОЛИНИНГ ИШ БИЛАН БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ВА ДАРОМАДИНИ ОШИРИШНИНГ ҲАЛ ҚИЛУВЧИ ОМИЛИ</b> .....	88
3.1. Кичик бизнесни жадал ривожлантириш – мамлакат иқтисодий сиёсатининг устувор йўналиши.....	88
3.2. Республикада барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашда кичик бизнеснинг роли.....	108
3.3. Кичик бизнес – аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш ва даромадини оширишнинг асосий воситаси.....	115
<b>IV боб. КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИНИНГ МОЛИЯВИЙ-ХЎЖАЛИК ФАОЛИЯТИ</b> .....	128
4.1. Кичик бизнес субъектларида молиявий-хўжалик фаолиятни йўлга қўйиш.....	128
4.2. Кичик бизнесда инновацион ва инвестициявий фаолият...	145
4.3. Кичик бизнеснинг ташқи иқтисодий фаолиятини ривожлантириш.....	162
<b>V боб. КИЧИК БИЗНЕСДА АҲОЛИНИНГ ИШ БИЛАН САМАРАЛИ БАНДЛИГИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ</b> .....	170

5.1. Миллий иқтисодиётни модернизациялаш ва таркибий ўзгартириш жараёнида кичик бизнес иқтисодий самардорлигини оширишнинг усул ва шакллари.....	170
5.2. Кичик бизнес субъектларида янги иш жойлари ташкил этишни рағбатлантириш.....	183
5.3. Кичик бизнесда аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш истиқболлари.....	192
<b>Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....</b>	<b>204</b>

## КИРИШ

Жаҳон амалиёти ҳозирги даврда кичик бизнес деярли барча мамлакатлар ижтимоий-иқтисодий тизимининг энг муҳим таркибий қисмига айланганидан далолат беради. У мунтазам ўзгариб турадиган ташқи муҳитга мослашувчанлиги туфайли бозор муносабатларининг нисбатан барқарорлигини таъминлайди, иқтисодиётдаги бўшлиқларни тўлдиради, уни таркибий ўзгартириш ва барқарор суръатлар билан ривожлантиришда ўта муҳим роль ўйнайди, ички бозорни зарур товар ва хизматлар билан тўлдиришнинг асосий манбаи ҳисобланади. Ривожланган ва ривожланаётган кўпгина давлатларда ушбу сектор ҳиссасига миллий иқтисодиёт умумий ҳажмининг 80,0 %га яқини тўғри келаётгани, у меҳнатга лаёқатли аҳолининг 70,0 %дан кўпроғини иш билан таъминлаётганлиги бунинг амалий ифодасидир.

Кичик бизнес Ўзбекистон иқтисодиётида ҳам энг устувор ва истиқболли соҳага айланган. У миллий иқтисодиётни модернизация ва диверсификация қилишда, барқарор суръатлар билан ривожлантиришда, техник ҳамда технологик қайта жиҳозлаш, янги турдаги маҳсулотларни ўзлаштиришда ўзига хос локомотив вазифасини ўтамоқда, айниқса, мамлакатдаги жиддий ва ўтқир ижтимоий муаммоларни ҳал этишда алоҳида аҳамият касб этмоқда. Дарҳақиқат, республика Президенти И.А. Каримов таъкидлаганидек, “Тадбиркорлик бизнеси аҳоли бандлиги ва даромадининг ўсишини таъминлашда, айниқса, бизнинг шароитда қандай муҳим аҳамият касб этишини баҳолашнинг ўзи қийин”<sup>1</sup>.

Бозор иқтисодиёти шароитида кичик бизнеснинг афзалликлари кўп. У тузилишига кўра, ихчам, қарорлар қабул қилишда тезкор ва ҳаракатчан, янги тартиб-қоидаларни қисқа муддатда ўзлаштиради, жаҳон ва минтақалар бозорларидаги талаб ва конъюнктура ўзгаришларига тез мослашади, қолаверса, уни ташкил қилиш ва юритиш қатта ҳаражат ҳамда капитал қўйилмаларни талаб этмайди. Бу эса ишлаб чиқаришни тез ва осон модернизация қилиш, техник ҳамда технологик қайта жиҳозлаш, янги турдаги маҳсулотларни ўзлаштириш, уларни мунтазам янгилаб бориш ва рақобатбардошлигини таъминлаш имконини беради.

<sup>1</sup>Каримов И.А. Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий сиёсатни амалга оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли ва аҳамияти. //Халқ сўзи, 2012 йил 15 сентябрь.

Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг бу афзалликлари ҳисобга олинган ҳолда уни изчил ривожлантириш мустақилликка эришилган дастлабки даврдан бошлаб давлатнинг устувор вазифаси даражасига кўтарилди. Стратегик мақсадлар – замонавий демократик давлат куриш, аҳолининг ҳаёт даражасини муносиб босқичга кўтариш, бозор муносабатларига асосланган эркин иқтисодиётга ўтиш, шунингдек, тараққий топаётган мамлакатлар тажрибаси инобатга олинган ҳолда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб берилди.

“Ўзбек модели” номини олган кенг кўламли чуқур ислохотларни амалга ошириш жараёнида иқтисодиётнинг бу соҳаси қайтадан шаклланди, унинг мустаҳкам пойдевори яратилди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик мамлакат ялпи ички маҳсулоти таркибида ҳал қилувчи тармокка, ижтимоий фаол аҳолимизнинг катта қисмини камраб олган соҳага айланди.

Соҳа ривожини учун мустаҳкам қонунчилик ва ҳуқуқий база шакллантирилди ва мунтазам такомиллаштириб борилмоқда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик учун имтиёз ва преференциялар белгилаб қўйилган, уларга ишлаб чиқаришни техник ва технологик қайта жиҳозлаш ҳамда модернизация қилишда давлат томонидан тизимли равишда ёрдам кўрсатилмоқда.

Конституциявий норма ва тамойиллар асосида қабул қилинган “Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида”, “Мулкчилик тўғрисида”ги қонунлар қиска муддатда саноат, савдо, умумий овқатланиш ва хизматлар соҳаларидаги давлат мулки бўлган юз минглаб объектларни хусусий мулкка айланттириш учун сотиш, мулкни ижарага бериш тамойилларини жорий этиш имконини яратди. “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги қонун хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда асосий роль ўйнади. Ушбу қонунда фуқаролар тадбиркорлик фаолиятида эркин иштирок этиши учун барча асосий кафолат ва шартлар мустаҳкамлаб қўйилган, тадбиркорлик ва бизнес субъектларининг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатлари муҳофаза этилган.

Кичик бизнес субъектларининг давлат, ҳуқуқни муҳофаза этувчи ва назорат органлари билан ўзаро муносабатларида тадбиркорлар ҳуқуқларининг устуворлиги тамойили қонунчилик даражасида жорий этилган. Бунда қонунчиликдаги ҳар қандай карама-қаршилик ва номувофик ўринлар тадбиркорлар фойдасига талқин қилиниши белгилаб қўйилган.

Давлат ва назорат органларининг тадбиркорлик субъектлари молия-хўжалик фаолиятига аралашуви кескин қисқартирилмоқда. Кичик бизнес субъектларини улар давлат рўйхатига олинган пайдан бошлаб, дастлабки режали солиқ текширувларидан ўтказмаслик муддати 3 йилга узайтирилган, барқарор ўсиш суръатлари ва рентабелликни таъминлаган субъектларни текширишдан ўтказиш мутлақо тақиқланган.

Микрофирма ва кичик корхоналар учун айланма маблағдан олинадиган ягона солиқ тўлов ставкаси 2,5 баробар камайтирилиб, 13,0 %дан 5,0 %га туширилди, халқ амалий санъати ва оилавий бизнес объектлари эса умуман солиққа тортилмайди ёки энг кам ставка бўйича солиққа тортилади. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози даврида Ўзбекистонда кўпгина давлатлардаги каби инқирозга қарши дастурлар доирасида солиқ ставкалари нафақат оширилмади, балки аксинча, кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови ставкаси камайтирилди, харидоргир бўлган истеъмол товарлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналар 5–7 йилга солиқ тўловидан озод қилинди, ишлаб чиқаришни техник ва технологик янгилайдиган, модернизация қиладиган корхоналар божхона тўловларидан бутунлай озод этилди.

2005 йилдан бошлаб мамлакатда тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказишнинг рухсат бериш тизимидан хабардор қилиш тизимига ўтилди. Ўз бизнесини очиш учун тадбиркорга икки кундан ортиқ бўлмаган муддат талаб этилади ва бу қоида ривожланган давлатларда амал қиладиган мезонларга жавоб беради.

Кичик бизнес субъектларини давлат харидларига кенг жалб этиш механизми ҳам йўлга қўйилган. Бу борадаги ишлар Ўзбекистон товар-хомашё биржасида электрон савдолар орқали олиб борилмоқда. Натижада улар ишлаб чиқараётган маҳсулотларни сотиш ҳажми қарийб 2 баробар кўпайиб, йилига 600 миллиард сўмдан, зарур хомашё ресурсларини қўшиб ҳисоблаганда, 2 триллион 800 миллиард сўмдан ортмоқда. Айни шу механизм татбиқ этилиши туфайли 13 миллиард сўмдан ортиқ бюджет маблағини тежашга эришилди.

Мамлакатдаги барча хўжалик субъектларининг 90,0 %дан ортигини кичик бизнес корхоналари ташкил этади. 2013 йил 1 апрелига бўлган маълумотларга кўра, рўйхатга олинган кичик бизнес субъектлари сони (фермер хўжаликларисиз) 248 974 тага етди.

2012 йил якуни бўйича кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳиссасига ялпи ички маҳсулотнинг 54,6 %, саноат маҳсулотларининг 22,2 %, кишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 98,0 %и тўғри келди.

Иш билан банд аҳолининг 75,0 %дан ортиғи айнан шу соҳада меҳнат қилмоқда. Мамлакатда яратилаётган қарийб 1 миллионга яқин иш ўрнининг 64,0 %и кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳисобидан ташкил этилмоқда.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик нафақат даромад манбаи, балки одамларнинг ижодий ва интеллектуал қобилиятини рўёбга чиқариш воситаси ҳамдир. Мазкур соҳа ҳар бир кишига ўз истеъдоди ва имкониятларини намоён этиш учун имкон туғдирмоқда. Шу тариқа ташаббускор, омилкор, мустақил фаолият юрита оладиган, ўз олдига қўйган мақсадларига эришишга қодир инсонлар тоифасини шакллантиришга хизмат қилмоқда.

Энг муҳими, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожидан манфаатдор бўлган мулк эгалари жамиятнинг суянчи ва таянчига айланиб бормоқда, ўрта синф деб ном олган ижтимоий қатламни шакллантирмоқда. Ўрта синф эса мамлакатда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашнинг ҳал қилувчи кучи сифатида майдонга чиқмоқда.

Жаҳон бозорида рақобат ғоят кескинлашиб, авжига чиқаётгани ва тобора шафқатсиз тус олаётгани ҳозирги вақтда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик миллий иктисодиётда янада кенг ўрин эгаллаши, бу соҳа учун янги имконият, имтиёз ва преференциялар яратиб бериш ва унинг ривожини янги босқичга кўтариш масалалари ниҳоятда долзарб аҳамият касб этмоқда.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда фақат савдо-сотик, майда ҳунармандчилик билан чекланиб қолмасдан, биринчи навбатда замонавий технология ва асбоб-ускуналар асосида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган, ички ва ташқи бозордаги ўзгаришларга тез мослашадиган хусусий тадбиркорлик соҳасини тараққий эттиришга алоҳида аҳамият берилиши мақсадга мувофиқдир.




# I боб. АҲОЛИ ИШ БИЛАН БАНДЛИГИНИНГ НАЗАРИЙ-МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ

## 1.1. Меҳнат бозорида иш билан бандликка назарий ёндашувларнинг тадрижий ривожланиши

Инсоннинг моддий ва маънавий неъматлар яратиш, хизматлар кўрсатиш фаолияти орқали ўзи ва оиласи тирикчилиги учун зарур маблағ ишлаб топиши билан боғлиқ энг муҳим ижтимоий-иқтисодий ҳодиса ҳисобланган иш билан бандлик ҳамиша иқтисодиёт фани диққат марказида бўлиб келган.

Аҳоли иш билан бандлигининг назарий асослари асрлар давомида шаклланган ва ривожлантирилган. Бу йўналишдаги таълимотда, асосан тўртта: классиклар, кейнсчилар, монетарчилар ва институционалчилар мактаблари фарқланади (1.1-расм):



1.1.расм. Меҳнат бозори ва иш билан бандлик назариялари

1. Классик назария. Унинг асосий қоидалари қуйидагилардан иборат:

- ишчи кучи таклифининг ўзи ишчи кучига талабни туғдириши сабабли умумий ортиқча ишлаб чиқариш содир бўлмайди;

- иш билан тўла бандлик шароитида тирикчилик воситалари харид қилиш учун маблағ етарли бўлади;

- умумий сарф-харажатлар учун маблағ етишмай қолган тақдирда мувофиқлаштиришнинг нарх-наво ва иш ҳақи каби воситалари тез ишга тушиб, умумий сарф-харажатлар камайиши ишлаб чиқариш ҳажми, иш билан бандлик даражаси ва реал даромадлар камайишига йўл қўймайди;

- меҳнат бозоридаги рақобат мажбурий ишсизликни истисно этади. Меҳнат қилишни хоҳлаган ҳар бир одам меҳнат бозори томонидан белгиланадиган иш ҳақи оладиган ишни осон топа олади;

- иқтисодиётга давлатнинг аралашуви ортиқча ва зарарлидир.

Ушбу моделга мувофиқ, меҳнат бозорида ишчи кучига талаб ва таклифдан келиб чиққан ҳолда меҳнатга мутаносиб нарх (иш ҳақи) ва иш билан бандликнинг муайян даражаси ўрнатилади. У ёки бу сабабга кўра иш ҳақи миқдори ортадиган бўлса, ишчи кучи таклифи ҳам кучаяди, чунки меҳнат бозорида камроқ иш ҳақига ёлланишни хоҳламаган қўшимча ишчи кучи пайдо бўлади. Бундай шароитда иш берувчи ишчи кучи қимматлиги сабабли қўшимча ходимларни ишга олишдан воз кечади, яъни меҳнатга талаб камаяди. Бу ишчи кучи таклифи талабдан ортишига ва ишсизлик даражаси кўтарилишига олиб келади.

Аксинча, иш ҳақи даражаси камайса, иш берувчига қўшимча ходимларни ишга қабул қилиш манфаатли бўлади ва меҳнатга талаб ортади. Натижада меҳнат бозорида ишчи кучига талаб таклифдан юқори бўлади ва ходимлар тақчиллиги кузатилади. Бундан классик мактаб вакиллари ишсизлик асосан ихтиёрий хусусиятга эга, яъни ходимлар кам иш ҳақига ишлашни истамасликлари оқибатидир, деган хулосага келади. Улар ишсизлик даражасини пасайтиришнинг асосий омили – иш ҳақини камайтириш, деб ҳисоблашади.

Классик назария асосчиларидан бири бўлган А. Смит иш билан бандлик иш ҳақи ҳисобига кун кечирадиган ходимларга талаб билан иш ҳақи тўлашга мўлжалланган жамғарма ўртасидаги ўзаро боғлиқлик хусусиятига эга, деб кўрсатган. У иш билан бандлик муаммосини таҳлил этар экан, муомалага “иқтисодий одам” атамасини киритган. Унинг фикрига кўра, “иқтисодий одам” ўз шахсий манфаати ва мақсадини кўзлаб, турмушини яхшилашга интилади. Шу боис инсон бозор иқтисодиётида ишлаб чиқарилаётган

маҳсулотининг қиймати юқори бўлган ва кўп фойда келтирадиган фаолият турини, соҳасини танлашга ҳаракат қилади. Фақатгина “кўзга кўринмас кўл”, яъни эркин рақобат, бозор қонунларигина ўз мақсадларини кўзлаб фаолият юритувчиларни тартибга солинган тизимга бирлаштиради. Шу боисдан “иктисодий одам” ўз манфаатини кўзлагани ҳолда жамият манфаати учун ҳам меҳнат қилади. «Сен менга керагини бер,— деб ёзган эди у, - ва сен ўзингга керагини оласан!»<sup>1</sup>. Шунинг учун классикларнинг асосий тамойили “laissez faire” – “эркин иш кўриш имкониятини беринг” бўлган. Иш билан бандликка нисбатан меҳнат бозорида ишчи кучига талаб ва унинг таклифи мутаносиб бўлиши иш билан тўла бандлик таъминланишини англатади.

Бу мактаб вакили А. Маршалл бозор иктисодиётининг бир текис, инкирозларсиз ривожланиш ғоясини ишлаб чиққан. У иш билан бандликни таъминлаш учун талаб ва таклифни тартибга солиш муҳим, бозор буни автомат равишда амалга ошира олиши мумкин, деб ҳисоблаган: “Талаб ва таклиф барқарор мутаносиб ҳолатда бўлганида, агар бирор нарса ишлаб чиқариш ҳажмини мутаносиб ҳолатидан силжитадиган бўлса, худди агар арконга осилган тошни унинг мутаносиб ҳолатидан кўзгатиладиган бўлса, у дарҳол орқасига – мутаносиб ҳолатига қараб интилганидек, уни аввалги ҳолатига қайтаришга туртадиган кучлар дарҳол ишга тушади”<sup>2</sup>.

А. Маршаллнинг издоши бўлган А. Пигу “Ишсизлик назарияси” асарида иш ҳақининг юқори даражаси – ишсизликнинг асосий сабаби, деган хулосага келган. Буни ишлаб чиқаришда бандлар сонининг улар иш ҳақи даражасига тескари нисбати билан исботлашга ҳаракат қилган. Унинг фикрича, иш билан бандлик даражасини белгилайдиган иккинчи омил – меҳнатга реал талаб функциясидир: “Ёлланма ходимлар ўртасида мутлақо эркин рақобат ва мутлақо меҳнат ҳаракатчанлиги мавжуд бўлганида алоқа хусусияти (ходимлар талаб қилаётган реал иш ҳақи ставкаси билан меҳнатга талаб ўртасидаги) жуда содда бўлади. Ҳамма иш билан банд бўлиши учун иш ҳақи ставкаси билан талаб ўртасида мутаносиб нисбат ўрнатишга кучли интилиш мунтазам амал қилади”. У бунга қўшимча қилиб, “ҳамма вақт ишсизлик тўла-тўқис талаб шартларида рўй бераётган ўзгаришлар билан изоҳланади”, деб кўрсатади<sup>3</sup>.

<sup>1</sup> Смит А. Исследование о природе и причинах богатства народов. – М.: Эксмо, 2007. С. 20.

<sup>2</sup> Маршалл А. Принципы экономической науки. Т.2. – М.: Наука, 1993. С.29.

<sup>3</sup> Антология экономической классики. – М.: Наука, 1993. С.353.

Классик мактаб намояндаси Д. Рикардо иш ҳақини тартибга солувчи қонунларни тадқиқ этар экан, иш ҳақи даражаси ишчи кучи таклифига боғлиқлиги тўғрисидаги қондани асослаган. Унинг хулосалари куйидаги тамойилларга таянади: Агар меҳнатнинг бозор нархи табиий даражадан юқори бўлса, ходимлар сони ортади, меҳнат таклифи кучаяди. Муайян босқичда таклиф талабдан ортади – ишсизлик юзага чиқади. Шундан сўнг меҳнатнинг бозор нархи табиий даражага етгунча камайиб боради. Бунинг оқибатида яна талаб билан таклиф мутаносиблашади. Бунда меҳнатнинг бозор нархи табиий даражадан ҳам арзон бўлиши мумкин<sup>1</sup>. Иқтисодчи олимнинг ҳисоблашича, меҳнат бозоридаги рақобат даражаси ишчи кучининг таклифи билан иш берувчилар томонидан бунга талабга боғлиқликдир.

Ж.Б. Сэй ҳам классикларнинг иш билан бандлик назариясига муҳим ҳисса қўшган. У ҳар қандай товарнинг ишлаб чиқарилиши ўз-ўзидан бозордан тирикчилик учун маҳсулот ва буюмлар сотиб олишга зарур бўлган даромадни таъминлайди. Агар бозорнинг бирор қисмида талаб ва таклиф ўртасида номутаносиблик юзага чиқса, бошқа қисмида нарх-наволардаги ўзгариш бунинг аввалги мутаносиб ҳолатига келтиради. Моҳият жиҳатидан Ж.Б. Сэйнинг бу назарияси иқтисодиётнинг бартер модели, яъни товарнинг товар билан айирбошланиши қондасини илгари суради<sup>2</sup>.

Умуман, классик назария ишсизликнинг фақат икки турига – ходим бир корхонадан бошқасига ўтадиган вақтда вақтинчалик ишламайдиган фрикцияли ишсизлик ҳамда у ёки бу сабабларга кўра (асосан, иш ҳақи камлиги учун), ўз хоҳиши бўйича ишламаслиги – “иҳтиёрий ишсизлик” бўлиши мумкин, деган ғояни асослашга йўналтирилган. Амалда ишсизликнинг бу икки тури ҳам иш билан тўла бандлик қондасига мос тушади.

Аммо бозор иқтисодиёти классик иқтисодий назария қондаларига таяниб ривожланмаган, албатта. XX аср бошларига келиб, классик мактаб вакиллариининг қарашлари амалиётга зидлиги маълум бўлиб қолди, чунки бу даврда ишсизлик жиддий ижтимоий муаммога айланган эди. Ишсизлик даражаси 30,0–40,0 %га етаётган

<sup>1</sup>Рикардо Д. Сочинения. – М.: Наука, 1961. С.25-26.

<sup>2</sup>Сэй Ж.Б. Трактат по политической экономии. //Жан-Батист Сэй. Экономические софизмы; Экономические гармонии. //Сост., вступ. ст. и коммент. М. К. Бункяной и А. М. Семенова. -М.: Дело: Акад. нар. хоз-ва при Правительстве Рос. Федерации, 2000. //http://www.elib.org.ua/economic.

Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларининггина эмас, балки иқтисодий инқироз йилларида бу даража 20,0–30,0 %га кўтариларётган, саноати ривожланган давлатлар тажрибаси ҳам классик назария воқеликка мос келмай қолганлигини яққол намойиш қилаётгани.

✓ 2. Кейнсчилар назарияси (Ж.М. Кейнс, Ж. Робинсон, Р. Харрод, Е. Домар ва бошқалар). 1936 йилда Ж.М. Кейнс иш билан бандликнинг янги назариясини яратиб, иқтисодий назарияда инқилоб ясади. У “Иш билан бандлик, фоиз ва пулнинг умумий назарияси”<sup>1</sup> асарида бозор иқтисодиётида иш билан бандликни тўла таъминлайдиган механизм мавжуд эмаслигини исботлаб берди.

Кейнсчилар мактабининг иш билан бандликка доир назарияси куйидагиларни назарда тутди:

- иқтисодиётда иш билан тўла бандликни кафолатловчи ҳеч қандай механизм мавжуд эмас;
- иш билан тўла бандлик қонуният эмас, балки тасодифдир;
- меҳнат бозорига фоиз ставкаси ўзгариши ҳамда нарх-наво ва иш ҳақи нисбати эгилувчанлиги ёрдамида таъсир кўрсатиш имконияти мавжуд эмас;
- ишчи кучи баҳоси қатъий белгилаб қўйилган ва амалда, айниқса, камайиш томонига ўзгармайди, ишчи кучи баҳоси меҳнат бозорини мувофиқлаштириш воситаси бўла олмайди;
- меҳнат бозорини тартибга солиш роли давлатга тегишлидир, у жамланма талабни кўпайтириб ёки камайтириб, меҳнат бозоридаги мувозанатсизликни бартараф эта олади;
- ишчи кучига талаб меҳнатга бозор баҳоси ўзгариши орқали эмас, балки жамланма талаб ёки ишлаб чиқариш ҳажми орқали мувофиқлаштирилади;
- ишсизлик мажбурийдир, аммо бунда ишсизликнинг бир қисми ихтиёрийлик хусусиятига эгаллиги инкор этилмайди.

✓ Ж. Кейнс классик мактаб вакиллариининг иш билан бандлик назарияси, хусусан, А. Пигунинг ишсизлик назариясини танқид қилар экан, “Биз яшаётган иқтисодий жамиятнинг энг муҳим қусурлари – унинг иш билан тўла бандликни таъминлашга қурби етмаслиги, шунингдек, бойлик ва даромадларнинг ихтиёрий ва адолатсиз тақсимлашидир”<sup>2</sup>, деб кўрсатган.

<sup>1</sup> Кейнс Дж. Общая теория занятости, процента и денег. – М.: Гелиос АРВ, 2002.

<sup>2</sup> Антология экономической классики. – М.: Наука, 1993. С. 424.

Ж. Кейнснинг иш билан бандлик умумий назарияси куйдагиларга асосланади: иш билан бандлик ортиши туфайли миллий даромад ва натижада, истеъмол ортади. Аммо истеъмол даромадга нисбатан секинроқ кўпаяди, чунки даромад ортиши билан ишлаб топилган маблағни жамғаришга интилиш кучаяди. Олимнинг фикрича, одамлар, одатда, даромадлар ортиши билан истеъмолни ҳам кўпайтиради, аммо бу ўсиш даромадлар даражасида бўлмайди. Натижада даромадлар кўпайиши билан жамғариш улуши ортади, истеъмол эса камайиб боради. Бу “самарали талаб” камайишига сабаб бўлади ҳамда ишлаб чиқариш ҳажмларига ва бандлик даражасига таъсир этади.

Ж. Кейнс назариясида энг асосийси – самарали талабдир. Бу куйидагича тасаввур этилади:

$$N = D1 + D2.$$

Бунда: N – меҳнат сарфи ҳажми;

D1 – жамият харажатлари;

D2 – янги инвестицияларга харажатлар.

Иш билан бандлик самарали талаб функцияси ҳисобланади. Самарали талаб умумий ҳажмининг ортиши ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтиради ва миллат фаровонлигини оширади, етишмаслиги эса ишлаб чиқариш қувватларидан тўлиқ фойдаланилмаслигига, ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръатлари паст бўлишига, инқирозларга ва ишсизликка олиб келади.

Истеъмол талаби етарлича кўпаймаслиги янги инвестицияларга харажатлар ортиши орқали, яъни ишлаб чиқариш истеъмолининг ишлаб чиқариш воситаларига нисбатан кўпайиши билан қопланиши мумкин. Шу сабабли инвестицияларнинг умумий ҳажми иш билан бандлик даражасини белгилашда ҳал қилувчи роль ўйнайди. Ж. Кейнснинг хулоса қилишича, инвестициялар ҳажми инвестицияларга бўлган талабга боғлиқ. Тадбиркор инвестицияларни капиталнинг “энг юқори самарадорлиги” фоизи даражасигача камайишига қадар жалб этади. Бу капиталнинг рентабеллиги даражасини пасайтиради, энг юқори самарадорлик фоизи даражаси сақланиб туради.

Бу ҳолат янги инвестицияларни жалб қилиш учун имкониятни пасайтиради. Демак, бунда иш билан бандлик даражасининг ўсиши ҳам камаяди. Капиталнинг “энг юқори самарадорлиги” пасайиши унинг миқдори ўсишига, шунингдек, тадбиркорларнинг бўлажак даромадларига ишончсизлигига олиб келади. Яъни Ж. Кейнс

таълимоти бўйича, иш билан бандликнинг умумий даражаси уч омилга – “истеъмомлга мойиллик”ка, “энг юқори самарадорлик”ка ва фоиз меъёрига боғлиқ.

Бунда капиталнинг “энг юқори самарадорлиги” кўшимча капитал бирлиги томонидан вужудга келтириладиган бўлажак фойданинг шу бирликка кетган ишлаб чиқариш чижимларига нисбатидир. Ж. Кейнснинг фикрича, капиталнинг чекланган бўлиши фойда миқдорини оширади, кўпайиши – унинг самарадорлигини, яъни фойда келтиришни камайтириб боради.

Ушбу назарияда инвестицияларнинг иш билан умумий бандлик даражасига ҳал қилувчи таъсири жуда муҳим. Инвестицияларнинг кўпайтирилиши ишлаб чиқаришга кўшимча ишчиларни жалб этишга олиб келади, бу эса иш билан бандлик даражаси, миллий даромад ва истеъмом ҳажми ўсишини таъминлайди. Янги инвестициялар туфайли кўшимча иш билан бандлик вужудга келади, чунки меҳнат фаолиятига жалб этилган кўшимча ишчиларнинг истеъмом талабини кондириш зарурати туғилади. Кўшимча иш билан бандлик даражасининг ўсиш коэффициентини Ж. Кейнс, мультипликатор, деб номлайди. У, бир томондан, инвестицияларнинг ўсиши, иккинчи томондан, иш билан бандлик ва даромадларнинг ўсиши ўртасидаги нисбатни кўрсатади.

Мультипликатор “истеъмомлга энг юқори мойиллик” билан боғлиқ, чунки у истеъмомлга кетган сарфлар ортисининг даромадлар ўсишига нисбатини билдиради. “Истеъмомлга энг юқори мойиллик” канча юқори бўлса, мультипликатор ҳам шунчалик катта бўлади ва демак, иш билан бандлик даражаси юқори бўлади. Олим олиб борган тадқиқотлар натижаларига асосланиб, АҚШдаги мультипликатор коэффициенти 2,5 га тенглигини аниқлади. Бу, мамлакатда даромадларнинг ўсиши инвестициялар ортисидан 2,5 марта ортиқлигини, яъни 1 доллар инвестиция 2,5 доллар даромад келтиришини англатади

Олим жамиятда ишсизлик ва инқирозлар муқаррар эмаслигини кўрсатган. Тўғри, бозор иқтисодиёти механизмининг ўзи буни тартибга солишга қодир эмас. Шу боис иш билан бандликни тартибга солишда давлатнинг иштироки талаб этилади. Давлат бунда пул-кредит сиёсати: солиқ тизими, фоиз меъёрини қисман чеклаш, баъзи бошқа воситалар билан истеъмом талабини ошириш чораларини кўриши керак.

Ж. Кейнснинг иқтисодиёт назариясида давлат иқтисодий сиёсатининг инвестициявий йўналишига алоҳида эътибор берилганлигини таъкидлаш лозим. Олим давлат пул-кредит сиёсатининг таркибий қисми ҳисобланган инвестиция сиёсати амалда иш билан бандлик сиёсати эканлигини исботлаган. У давлат иш билан бандлик даражаси юқори бўлишини қуйидаги воситалар орқали таъминлаши муҳимлигини кўрсатган:

- фойз ставкасини пасайтириш орқали ишлаб чиқаришга кредитлар ажратилишини кўпайтириш ва капитал активлар ликвидлигини ошириш;

- инвестицияларни “ижтимоийлаштириш”, яъни хусусий корхоналарни давлат бюджети ҳисобидан манзилли молиялаш, шунингдек, давлат томонидан товар ва хизматларни харид қилиш;

- истеъмол талабининг тўловга қодирлигини ошириш чораларини кўриш, бунда тўлов қобилиятининг ўсиши киритилаётган инвестициялар ўсишидан юқори бўлиши керак.

Юқорида қайд қилинган чоралар, айниқса, истеъмол талабининг тўловга қодирлигини ошириш амалда иш билан бандлик ҳисобланади. Чунки улар корхоналар даражасидаги ижтимоий-меҳнат соҳасини қўллаб-қувватлашга йўналтирилгандир. Бу билан давлат ўз зиммасига ишлаб чиқариш барбод бўлиши ёки ҳатто тургун ҳолатга тушиб қолишига йўл қўймаслик мажбуриятини, яъни корхоналарга, шу жумладан, хусусий сектор корхоналарига нисбатан олиб бораётган сиёсати орқали иқтисодий ўсишни таъминлайди. Бу эса янги иш жойлари кўпайиши, иш ҳақи даражаси муносиб бўлиши, бошқача айтганда, истеъмол талаби тўловга қодирлигининг давлат кафолатларидир.

Иш билан тўла бандликни таъминлаш учун фақат инвестицияларни эмас, балки миллий даромадни ҳам тартибга солиш талаб этилади. Бунинг учун оқилона солиқ сиёсатидан фойдаланилиши лозим. Аҳолининг пул жамғармаларидан давлат инвестицияларини ошириш учун фойдаланилиши мақсадга мувофиқ. Бундан асосий мақсад — истеъмол талабини рағбатлантиришдир.

Ж. Кейнснинг бу иқтисодий назарияси АҚШда 1929–1933 йилларда рўй берган “буюк инкироз” таъсири остида яратилган. Ўша пайтда Америкада ишлаб чиқариш ҳажми тенг ярмига — 50,0 %га ҳисқарди, 17,0 миллион одам — иш билан бандларнинг 25,0 %и ишидан ажралди. Ана шундай шароитда миллий иқтисодиётни тиклашнинг асосий воситаси — ҳукумат харажатларини ошириш эканлиги кўрсатиб берилди.



Кейнсчилар назариясининг асосий ғояси – давлатнинг бозор иқтисодиётида иштирок этиши аслида исбот талаб қилмайди. Саноат ривожланишининг уч йилдан кўпроқ вақт давомидаги амалиёти бозор жараёнлари давлат томонидан иқтисодий сиёсат воситалари орқали таъминланиб келинаётганидан далолат беради.

Бозор индустриал тизими шаклланиши ва ривожланишининг турли босқичларида давлатнинг бозор иқтисодиётида иштирок этиши кўпроқ ёки камроқ бўлгандир, аммо, бир томондан, давлат ҳеч қачон бозорнинг ўрнини босмаган, иккинчи тарафдан, бозор давлатнинг ўрнини эгаллай олмаган. Кейнсчилар давлатни бозор иқтисодиётида фаол иштирок этишга даъват этар экан, у самарадорлик нуқтаи назаридан хусусий бизнес ўрнини боса олмаслигини яхши тушунишган, шу боис давлатга иқтисодиётнинг хусусий бизнесга манфаатли бўлмаган секторларини “топшириш” мумкин, деган хулосага келишган. Шу сабабдан ҳам халқаро инвесторларнинг давлат мулкига сармоя киритишга қизиқишлари кам.

Ж. Кейнс классикларнинг иш билан бандлик даражаси ишчиларнинг қўлларида эканлиги, уларнинг камроқ иш ҳақи ҳисобига меҳнат қилишга рози бўлишлари иш билан бандликни кўпайтиради, деган қондасига қарши чиққан. Олим ишчиларнинг кам иш ҳақига меҳнат қилишга рози бўлишлари ишсизликни йўқотмайди, деган фикрда бўлган. Иқтисодиётни ривожлантириш ва иш билан бандлик даражаси юқори бўлиши учун давлат шахсий истеъмолни ва инвестициялар ҳажмини кўпайтириш йўли билан талабни қўллаб-қувватлаши, бунда давлат харажатлари янги иш жойларини яратиш ва ижтимоий ишларни ташкил этишга йўналтирилиши мақсадга мувофиқлиги асосланган.

XX асрнинг 40-йилларидан 70-йиллари биринчи ярмигача Ж. Кейнс концепцияси Ғарбдаги энг ривожланган давлатлар иқтисодий сиёсатида етакчи ўрин эгаллаб келди. Бироқ 1950–1960 йилларда АҚШ ва Ғарбий Европа мамлакатларидаги давлат иқтисодий сиёсати бу назарияга ҳам шубҳа билан қарашга мажбур қилди. Чунки бу иқтисодий сиёсат:

- иқтисодий ва ижтимоий муаммоларни ҳал этишда давлат монополизмининг бесамаралигини кўрсатди;
- кейнсчиларнинг инфляция ва ишсизлик ўртасидаги тесқари боғлиқлик тўғрисидаги қондаси исботини топмади, яъни ишсизлик даражасини пул-кредит ва бюджет-солиқ сиёсати орқали тартибга солишнинг имконияти бўлмай қолди. Бу 1970 йилларда ривожланган

давлатларда инфляция ва ишсизлик баб-баравар ортиб боришида намоён бўлди.

Ана шундай вазиятда янги классик назария пайдо бўлди. Унинг асосий вакили А. Маршалл иш билан бандликни таъминлашда талаб ва таклифни тартибга солиш асосий роль ўйнашини, бунда ходимларнинг билими ва малакаси биринчи даражали аҳамият касб этишини уқтирди. У, билимлар – ишлаб чиқаришнинг энг қудратли двигатели, деган хулоса чиқарган<sup>1</sup>.

Мазкур мактаб вакилларида яна бири – Ф. Хайек Ж. Кейнснинг товарлар ва ишчи кучига талабни айнанлаштириш нуктаи назарини рад этган. У, оммавий ишсизлик жамланма талаб камайганлиги учун эмас, балки тармоқларда бир томондан, ишлаб чиқариш омиллари (шу жумладан, ишчи кучи)нинг, иккинчи томондан, маҳсулотга талабнинг тақсимланишидаги номутаносибликлар оқибатида пайдо бўлади, деб ҳисоблайди. Ж. Кейнс назариясида илгари сурилганидек, ишсизликни камайтириш учун саноатга инвестицияларни тикиштиравериш эмас, балки ана шу номутаносибликни бартараф этиш, унингча, иш билан бандликни самарали бошқаришдир<sup>2</sup>.

Иқтисодиёт бўйича 1974 йилги Нобель мукофоти лауреати бўлган Ф. Хайек, арзон пуллар ва бюджет ҳисобига иш жойларини яратиш факат иқтисодий муаммоларни мураккаблаштиради, деб ҳисоблайди. Яъни кейнча сиёсат олиб борган ҳукуматлар ҳақиқатан ҳам жамланма талабни рағбатлантириш орқали иш билан тўла бандликни таъминлай олди, аммо бу инфляциянинг кескин ўсиши ҳисобига бўлди.

Олим, инфляциянинг умумэътироф этилган салбий оқибатларидан ташқари у даставвал режаланган ишсизликни жиловлаш ўрнига янада каттароқ ишсизликка сабаб бўлади, деган хулоса чиқаради. Ходимларни вақтинча жозибадор бўлиб кўринган фаолият турларига жалб этиб, вақтинча кўшимча иш жойлари яратишдан осони йўқ, деб кўрсатади у. Аммо инфляциянинг ўсиши тўхташи биланок бу иш жойлари йўқ бўлади. Иқтисодий ўсишни сунъий равишда жадаллаштириш эса, кўп жиҳатдан ресурсларнинг беҳуда сарф қилинишидир.

Ф. Хайекнинг нуктаи назарига мувофиқ, мақбул иш билан бандликни факат нарх-наво ва иш ҳақи мутаносиблигига рию этиладиган бозоргина таъминлай олади. Мутаносиб меҳнат бозорида

<sup>1</sup> Маршал А. Принципы экономической науки. Т.3. – М.: Прогресс, 1984. С.120.

<sup>2</sup> Хайек Ф. Безработица и денежная политика. //Экономические науки, 1991, №11. С 61.

реал иш ҳақи талаб ва таклифни тартибга солган ҳолда ўзгариб боради. Аммо амалда иш ҳақи ҳамма вақт ҳам эгилувчан бўлмайди. Унинг тадқиқотларида иш ҳақининг қатъийлиги ишга жойлашиш имкониятларини камайтиришга ва ишсизлик ортишига олиб келиши исботланган<sup>1</sup>.

3. Монетарчилар назарияси. У 1950 йилларда янги классик назария йўналишларидан бири сифатида пайдо бўлди. Мазкур мактаб тарафдорлари (М. Фридман, Ф. Кейген, Д. Майзельман, К. Бруннер, А. Мольцер ва бошқалар) қуйидаги қарашларни олға суради:

- бозор хўжалиги ўз ички тенденциялари орқали барқарорликка, ўз-ўзини тартибга солишга интилади;

- агар номутаносиблик, бозор хўжалиги издан чиқиши ҳоллари мавжуд бўлса, улар, энг аввало, ташқи аралашув натижасида юзага келади;

- давлатнинг иктисодиётга аралашуви хўжалик ривожланиши бир меъёрда бўлишини издан чиқаради;

- меҳнат бозорининг амал этиши шарт-шароитлари ишсизликнинг табиий даражасини белгилайди;

- бозорда таклиф ва талаб узоқ муддат ва барқарор мутаносиб бўлишига иш билан бандликнинг табиий даражасида эришилади, бунда инфляция суръати хоҳлаганча бўлиши мумкин;

- давлатнинг, солиқ ва бюджет сиёсати орқали тартибга солишини истисно этганда, тартибга солиш сонини иложи борича камайтириш зарур;

- давлат томонидан иш ҳақи миқдорининг энг кам даражаси ўрнатилиши, касаба уюшмаларининг мажбуриятлари ҳамда бўш иш жойлари ва захира ишчи кучи мавжудлиги тўғрисидаги ахборот йўқлиги бозор беқарорлигини кучайтиради ва меҳнат бозорининг салбий омиллари ҳисобланади;

- меҳнат бозорини мувозанатга келтириш учун Марказий банк ҳисоб ставкаси, тижорат банкларининг Марказий банк ҳисоб варақларидаги мажбурий захиралари ҳажми каби воситалардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Монетаризм ғояси асосида пулни бозор иқтисодиётида асосий унсур сифатида талқин этадиган пулнинг миқдор назарияси ётади.

<sup>1</sup>Altonji J G. Intertemporal Substitution in Labor Supply Evidence from Micro Data. //Journal of Political Economy 94 (June 1986, Part 2) S.176-215; Ball L. Intertemporal Substitution and Constraints on Labor Supply. Evidence from Panel Data//Economic Inquiry, 1990, October. P. 706-724.

Ушбу концепцияга мувофик, муомаладаги пул миқдори нарх-наво даражасига бевосита таъсир кўрсатади. Бу пул талабни, демак, хўжалик фаолиятини бошқаради, шу жумладан, ишлаб чиқариш ҳажми ва иш билан бандликка жиддий таъсир кўрсатади.

Бу мактаб вакилларининг ҳисоблашларича, давлат монополияларни қўллаб-қувватлаш, иш ҳақининг энг кам миқдорини ўрнатиш чораларини кўрар экан, нарх-наво эгилувчан бўлишига, бозорнинг талаб ва таклифни тартибга солишига ҳалақит беради, шунинг учун иқтисодиётдаги давлат сектори камайтирилиши зарур.

Шу билан бирга улар, фискал сиёсат давлат томонидан товарлар ва хизматларни сотиб олишни кўпайтиради, бунинг учун давлатга қўшимча маблағ талаб қилинади, унинг қарз олишга эҳтиёжи ортади, деб ҳисоблайдилар. Натижада давлат фоиз ставкасини оширишга ҳаракат қилади. Монетар назарияда давлатнинг бу фискал сиёсати иқтисодиётга хусусий инвестициялар оқимини чеклаши уқтирилади. Ана шу ғоя иқтисодиёт фанида “хусусий инвестицияларни сиқиб чиқариш самараси” (“Crowding-out Effect”) номини олган.

Монетарчилар нуктаи назаридан иш билан бандлик фақат кутилмаган инфляция билан боғлиқ, чунки унинг даражаси қанчалик юқори бўлса, такрор ишлаб чиқариш иштирокчилари нарх-навонинг бўлажак кўтарилишини шунчалик кўпроқ ҳисобга олади ва буни меҳнат шартномалари, контрактларда турли махсус қайдлар орқали бартараф қилишга интилади. Бу назарияда М. Фридманнинг ишсизликнинг табиий даражаси мавжудлиги тўғрисидаги хулосаси муҳим методологик аҳамиятга эгадир.

Монетаризм асосчиси ҳисобланган М. Фридман 1971–1974 йилларда АҚШ Президенти Р. Никсоннинг иқтисодий масалалар бўйича маслаҳатчиси бўлган. Монетарчиларнинг концепцияси биринчи бор АҚШда 1969–1970 йилларда синаб кўрилган. Улар ғояларининг тантанаси АҚШга инфляцияни жиловлаш ва долларни мустаҳкамлаш имкониятини берган Америка иқтисодиётини барқарорлаштириш ҳисобланади.

1976 йилда иқтисодиёт бўйича Нобель мукофоти лауреати бўлган М. Фридман, ишчи кучига қатъий нарх таркиби мавжуд, деб ҳисобларди. Бевосита нарх-навонинг барқарорлиги, олимнинг фикрича, эркин тадбиркорликни ривожлантириш ва иқтисодиёт меъёрида амал этишининг шартларидан биридир. Инфляцияга қарши курашиш учун давлатнинг аралашуви билан нарх-навони пасайтириш зарур, бу жамланма талаб ортишини ва иқтисодиёт жонланишини таъминлайди.

М. Фридманнинг концепциясига мувофиқ<sup>1</sup>, ишсизликнинг табиий даражаси меҳнат бозори шароитлари билан қатъий чегаралаб қўйилган ва давлат сиёсати билан ўзгартирилиши мумкин эмас. Агар давлат иш билан бандликнинг табиий даражасини талабни оширишнинг аъъанавий усуллари – бюджет ва кредит усуллари билан оширмоқчи бўлса, бу чоралар қисқа муддат самара келтириб, фақат нарх-наво кўтарилишига олиб келади.

Монетарчилар ишсизлик муаммосини “иктисодий назоратнинг алоҳида воситаси” сифатида талқин этар эканлар, касаба уюшмалар ишчи кучи нархини оширишга, иш жойларини сунъий равишда сақлаб туришга интилиб, меҳнатга талаб ва таклиф ўртасидаги мутаносибликни бузади ва меҳнат бозорига салбий таъсир кўрсатади, деган хулоса чиқаради. Ишчи кучи таклифи меҳнатга талабдан юқори бўлганда, иш ҳақи камаяди ва иш билан бандлик ўз жозибадорлигини йўқотади. Ушбу мактаб вакиллари фикрича, худди шундай оқибатларга давлатнинг ижтимоий сиёсати, хусусан, ишсизлик нафақаси тўлаш, энг кам иш ҳақининг қафолатланиши ҳам олиб келади.

Монетарчилар қарашларида ана шу “ишсизликнинг табиий даражаси” алоҳида ўрин эгаллайди. Улар “табиий ишсизлик” деганда, меҳнат бозори мутаносиб ҳолатда бўлгандаги ихтиёрий ишсизликни тушунишади. Табиий ишсизлик даражаси ҳам институционал омилларга (масалан, касаба уюшмаларнинг фаоллигига), ҳам қонуний омилларга (масалан, меҳнатга ҳақининг энг кам миқдорига) боғлиқ бўлади. Иш билан бандликнинг табиий даражаси шундай бандликки, унда меҳнат унумдорлиги ортиши кузатилмаган пайтда реал иш ҳақи ва нарх-наво даражаси барқарорлиги сақланиб туради.

Ишсизликни табиий даражасидан камайтиришга бўлган ҳар қандай уриниш инфляция кучайишига ва иктисодиётда номутаносибликларга олиб келади. Бундан ишсизликни реал иш ҳақини камайтириш, давлатнинг ижтимоий сиёсатини ўзгартириш орқалигина камайтириш мумкинлиги тўғрисидаги хулоса чиқарилади. Шу мақсадда, монетарчилар фикрича, касаба уюшмаларнинг ҳуқуқларини чегаралаш, меҳнатга лаёқатли аҳолини қўшимча касбларга

---

<sup>1</sup>Friedman, Milton Essays in Positive Economics.- Chicago University of Chicago Press, 1953; Studies in the Quantity Theory of Money. Chicago University of Chicago Press, 1956, A Program for Monetary Stability New York Fordham University Press, 1959, A Monetary History of the United States Princeton University Press, 1963; Monetary Framework Chicago University of Chicago Press, 1974, Tyranny of the Status Quo.- SanDiego, NewYorkandLondon, 1984.

ўқитиш, малакасини ошириш, бўш иш жойларидан хабардорликни яхшилаш талаб қилинади.

Монетарчиларнинг ғоялари Европа ва Америкадаги кўпгина мамлакатлар ҳукуматларининг иқтисодий сиёсат концепциялари ва амалий тадбирларига жиддий таъсир кўрсатди. 1980 йиллар бошида ривожланган давлатларда консерватив доиралар ҳокимият тепасига келиши билан монетаризм иқтисодий назариянинг етакчи йўналишларидан бирига айланди. Бироқ ҳозирги вақтда монетарчиларнинг концепциялари иқтисодий сиёсатда бошқа мактаблар ғояларини ҳам ҳисобга олган ҳолда қўлланилади.

4. Институционал назария (Т. Веблен, Ж. Гэлбрейт, У. Гамильтон, У. Ростоу, Г. Мюрдаль ва бошқалар). Иқтисодий назариянинг ушбу йўналиши номи бу мактабнинг вакиллари ижтимоий унсурни фаол қўллашлари ва иқтисодий жараёнларни ноиқтисодий омиллар, шу жумладан, ижтимоий-сиёсий, технологик, ҳуқуқий, психологик омиллар ёрдамида талқин қилишларидан олинган. Яъни институционалчилар социологияни сиёсий иқтисод билан бирлаштириб, иқтисодиёт фанини социология категориялари билан тўлдириб, социологиядан жуда кенг фойдаланишади. Жумладан, У. Гамильтон “институтлар инсон фаолиятининг чегаралари ва шакллари ўрнатади. Биз ҳаётимизни мувофиқлаштирадиган урф-одатлар институтларнинг чатишмаси ва узлуксиз тўқимасидан иборатдир”, деб кўрсатган эди. Бундан, институционалчилар мантқиқга мувофиқ, фикрлаш воситаси, сўз рамзлари, урф-одатлар жамиятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг бирламчи сабабидир, деган хулоса чиқади.

“Институционализм” (инглизча “institutionalism”, лотинча “institutio”— “фаолият тарзи”, “одат”, “йўналиш”, “кўрсатма” сўзларидан) атамаси жамият ва иқтисодиётга қарашлар тизими сифатида қабул қилинган.

Институционалчилар меҳнат бозорини иқтисодиётнинг энг муҳим сектори, деб ҳисоблаб, у иқтисодий тизимда марказий ўринни эгаллашини кўрсатади. Жумладан, Т. Веблен бозорнинг тарихий ривожланишини таҳлил этар экан, индустриал жамият тараққий этиши билан рақобат кураши маркази товар ва хизматлар баҳоси учун кураш соҳасидан меҳнат баҳоси ва шароити учун курашиш соҳасига кўчишини аниқлаган<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Веблен Т. Теория праздного класса. — М.: Прогресс, 1984. С.56.

Институционалчилар фикрига кўра, меҳнат бозоридаги талаб ва таклифнинг номуносивалигини ижтимоий назорат тизимини ўрнатиш орқали ҳал этиш мумкин. Давлат эса меҳнат бозоридаги режали сиёсатини бу бозордаги институтлар орқали амалга ошириши зарур. Ж. Гэлбрейт ҳисоблашича, бевосита меҳнат бозорида энг муҳим ижтимоий муаммолар ҳал этилади, шунинг учун давлат мазкур жараёнда иштирок этиши шарт, зеро, кўплаб одамлар ишдан ва тирикчилик кечириш учун зарур неъматлардан маҳрумлар. У ҳозирги давр иқтисодиётини, шунингдек, ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш истиқболларини жуда танқидий баҳолайди, “жуда кўп одамлар ишдан ва тирикчилик воситаларидан маҳрум”, “даромадларни тақсимлашда йўл қўйиб бўлмайдиган тенгсизлик яққол кўзга ташланади”, “даромаднинг ғоят катта қисми жуда оз одамларга тегади”<sup>1</sup>, деб кўрсатади.

Ушбу мактаб вакиллари, давлат иш билан бандлик даражаси юқори бўлишидан манфаатдор, чунки бу ҳолат бюджетнинг даромад қисмини кўпайтиради ва мамлакат бойлиги кўпайишини таъминлайди, деб кўрсатишади. Уларнинг фикрича, шахс эркин ҳамда касб малакасини ошириш имкониятига эга бўладиган ижтимоий тартиб ўрнатиш учун ижтимоий-иқтисодий сиёсат қуйидаги вазифалар ҳал этилишини таъминлаши зарур:

- қобилиятига мувофиқ танлаган касбга ўқиш учун тенг имконият яратиш;
- меҳнат жараёнига қўшилиш, малака ошириш, хизмат вазифасида кўтарилиш учун тенг имкониятлар яратиш;
- меҳнатни рағбатлантириш ходим ва унинг оиласи муносиб турмуш кечиришини таъминлайдиган даражада бўлиши;
- ходимлар билан иш берувчилар ўртасидаги меҳнат муносабатларини тартибга солиш.

1970-йилларнинг иккинчи ярмида “Таклиф иқтисодиёти” (“Supple-side economics”) назарияси ҳам илгари сурилди. Бу мактаб вакиллари А. Лаффер ва Р. Манделл фикрларича, аҳолига товарлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишни самарали йўлга қўйиш учун зарур шарт-шароитларни яратиб бериш, яъни ишчи кучи ва капитал таклифини рағбатлантириш зарур. Бунинг учун давлат томонидан солиқ юқини камайтириш борасида фаол сиёсат ўтказилиши лозим. Чунки товар ишлаб чиқарувчилар ва хизмат

<sup>1</sup> Гэлбрейт Дж.К. Экономические теории и цели общества. – М.: Наука, 1986. С. 230.

кўрсатувчилар солиқларга қўшимча маҳсулот бирлиги ишлаб чиқаришга қўшимча харажатлар сифатида қарайдилар. Солиқ юқининг оширилиши жамланма таклиф камайишига олиб келиши мумкин<sup>1</sup>.

XX аср охирига келиб, “янги кейнсчилар” мактаби шакллана бошланди. Бу оқимнинг энг таниқли намояндалари Г. Мэнкью, Д. Ромер, О. Бланшер, С. Фишер ва бошқалар Ж.С. Кейнс стандартларини замонавий иқтисодиётни таҳлилига татбиқ этишга ҳаракат қилишди. Г. Мэнкью ва Д. Ромер 1991 йилда бу мактабнинг асосий принциплари баён этилган икки жилдлик “Янги кейнсча иқтисодиёт” китобини ҳам нашр этди<sup>2</sup>.

Амалиёт гувоҳлик беришича, давлатнинг иқтисодий сиёсатида у ёки бу назария концепцияга кўр-кўрона амал қилиб бўлмайди. Масалан, монетарчиларнинг назарий ғояси мукамал рақобатнинг идеал шарт-шароитлар мавжуд бўлишига асосланган, иқтисодиёт амалиётида эса бу кузатилмайди. Шу билан бирга улар, муомаладаги пул миқдорини маҳсулот ишлаб чиқариш суръатларига қараб аниқлаш керак, деб тасдиқлайдилар, аммо пул омили ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръатлари ва натижаларига қандай таъсир кўрсатишини тилга олишмайди. Кўп йиллик тажрибага мурожаат қилиш, пул муомаласи тарихидан келтирилган статистика маълумотлари масалага ойдинлик киритишга ожизлик қилади<sup>3</sup>.

## **1.2. Иш билан бандликни таъминлашнинг ташкилий, ҳуқуқий ва институционал механизмлари**

Иш билан бандликни таъминлаш механизмлари бевосита меҳнат бозори амал этиши билан боғлиқ. Маълумки, иқтисодий назарияга мувофиқ, бозор – бозор субъектлари ўртасида ўзаро келишув, тенглик ва рақобатга асосланган иқтисодий муносабатларнинг жамланмасидир<sup>4</sup>. Бозор пайдо бўлишининг энг муҳим шarti – меҳнатнинг ижтимоий таксимотидир. Меҳнат таксимоти орқали фаолиятни айирбошлашга эришилади, бунинг натижасида аниқ бир меҳнат тури билан шуғулланадиган ходим ҳар қандай бошқа фаолият тури маҳсулидан фойдаланиш имкониятига эга бўлади.

<sup>1</sup>Atkinson R.D.«Supple-side» Follies: Why Conservative Economics, failе Liberal Economics and Innovation Economics is the bisnes / Lanham: Rowman and Littlefield. – 2006.


<sup>2</sup>Mankiw G., Romer D. Imperfect competition and sticky prices. Coordination Failures and Real Rigidities //New Keynesian Economics. Т 1.,2. –MITPress, 1991.

<sup>3</sup>Шишкин А.Ф. Экономическая теория. – М.: ИНРФА-М, 2009. С. 144.

<sup>4</sup>Райзберг Б.А., Лозовский Л.Ш., Стародубцева Е.Б. Современный экономический словарь. – М.: ИНФРА – М, 2007. С. 241.



Мехнат бозори ишчи кучини ана шу ҳаётий воситаларга айирбошлаш мақсадида ёллаш ва ундан фойдаланиш бўйича ижтимоий-мехнат муносабатлари тизими бўлиб, ўз таркиби ва механизмларига эга (1.2-расм).



1.2-расм. Мехнат бозори тизими

Халқаро меҳнат ташкилотининг таърифига мувофиқ, “меҳнат бозори – тадбиркорлар ва меҳнатқашлар иш хақи ва меҳнат шaroитлари хусусида жамоавий ёки шахсий музокаралар олиб борадиган соҳадир”<sup>1</sup>.

Меҳнат бозорида олди-сотди объекти сифатида ишчи кучидан фойдаланиш ҳуқуқи, савдо предмети сифатида эса инсон қобилиятининг муайян тури ва ундан фойдаланиш мuddати намоён

<sup>1</sup> Халқаро Меҳнат Ташкилотининг асосий конвенциялари ва тавсиялари. –Т.: Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази, 2008. Б. 123.

бўлади. Айни пайтда меҳнат бозори иш билан бандлик соҳасида меҳнат қилиш қобилиятини ҳаётий воситаларнинг пул шаклига, яъни иш ҳақига айирбошлаш хусусиятига ҳам эга.

Ҳар қандай бошқа бозорда бўлгани каби эркин рақобатга асосланган меҳнат бозорида ҳам талаб ва таклиф қонуни амал қилади, унинг ёрдамида мувозанат ҳолати ўрнатилади ҳамда рақобат муҳитида меҳнат хизмати баҳоси аниқланади. Меҳнат хизмати баҳоси сифатида иш ҳақи намоён бўлади. У энг юксак фойда назариясига мувофиқ мазкур хизматнинг иш берувчи учун фойда келтиришига боғлиқ. Талаб ва таклиф қонуни бўш иш жойларининг меҳнат бозорига келган ходимлар таркиби миқдор ва сифат кўрсаткичларига номувофиқлигини акс эттиради.

Меҳнат бозори механизмлари иш берувчилар ва меҳнатга лаёқатли аҳолининг ўзаро муносабатлари ва манфаатларини тартибга солиш мақсадига хизмат қилади. Улар қуйидаги унсурлардан иборат:

- меҳнатга (ишчи кучига) талаб;
- меҳнат (ишчи кучи) таклифи;
- меҳнат (ишчи кучи) баҳоси;
- рақобат.

Меҳнатга (ишчи кучига) талаб – иш берувчилар меҳнат бозорида таркиб топган нархга меҳнат (ишчи кучи) хизматини харид қилишга тайёрликларидир.

Меҳнат (ишчи кучи) хизматининг нархи – иш ҳақидир.

Меҳнат (ишчи кучи) таклифи – таркиб топган иш ҳақи ҳисобига уй хўжаликлари таклиф этишга тайёр бўлган меҳнат (ишчи кучи) хизмати ҳажмидир.

Меҳнат бозорининг инфратузилмаси иш билан бандликка кўмаклашувчи, аҳолини касбга йўналтирувчи, касбий тайёргарлик ва ходимларни қайта тайёрлаш институтлари (давлат ва бошқарув органлари, биржалар, жамғармалар, касбий тайёргарлик ва малака ошириш марказлари) ва ҳоказолардан иборат.

“Иш билан бандлик” тушунчаси “меҳнат бозори” тушунчасидан мазмунан кенгроқ эканлигини кўрсатиш лозим. Аҳолининг иш билан бандлиги соҳаси таркибига меҳнат бозоридан ташқари у ўзини-ўзи иш билан таъминлаши, унинг уй хўжаликлари таркибидаги фаолияти, кадрларни тайёрлаш ва ишга жойлаштириш мақсадли дастурлари ҳам киради. Яъни меҳнат бозорини тартибга солиш иш билан бандликнинг бир қисми ҳисобланади.

Ўзбекистонда амалдаги конунчиликка мувофиқ, куйидагилар иш билан таъминланган, деб ҳисобланади:

- ёлланиб ишлаётган, шу жумладан, ишни тўлиқсиз иш вақтида ҳақ эвазига бажараётган, касаначилик билан шуғулланаётган, шунингдек, ҳақ тўланадиган бошқа ишга, жумладан, вақтинчалик ишга эга бўлган фуқаролар;

- бетоблиги, меҳнат таътилида, касбга қайта тайёрлашда, малака оширишда эканлиги, ишлаб чиқариш тўхтатиб қўйилганлиги муносабати билан, шунингдек, қонун ҳужжатларига мувофиқ вақтинча иш жойида бўлмаганда ходимнинг иш жойи сақланиб турадиган бошқа ҳолларда вақтинча иш жойида бўлмаган фуқаролар;

- ўзини иш билан мустақил таъминлаётган фуқаролар, шу жумладан, юридик шахс ташкил қилмаган ҳолда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган фуқаролар, кооперативларнинг аъзолари, фермерлар ва уларнинг ишлаб чиқаришда қатнашаётган оила аъзолари;

- Қуролли Кучларда, Миллий хавфсизлик хизмати ва ички ишлар органлари ва қўшинларида хизматни ўтаётган, шунингдек, муқобил хизматни ўтаётган фуқаролар;

- “Таълим тўғрисида”ги қонун ҳужжатларига мувофиқ ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда таълим олаётган фуқаролар;

- қонун ҳужжатларига мувофиқ фаолият олиб бораётган жамоат бирлашмалари ва диний муассасаларда ишлаётган фуқаролар<sup>1</sup>.

Иш билан бандликнинг куйидаги турлари фарқланади:

1. Иш билан тўлиқ бандлик – меҳнатга қобилиятли аҳолини ижтимоий фойдали меҳнатга энг кўп жалб этиш. Амалда бу ялпи бандлик бўлиб, бунда меҳнатга қобилиятли аҳолининг 90,0 – 92,0 %и – тўлиқ бандликда меҳнат қилишга муҳтожлар ва меҳнат қилишни хоҳловчилар иш билан таъминланади, бу ишчи кучига талаб унинг тақлифи мутаносиблигини англатади.

2. Иш билан тўлиқ бўлмаган бандлик иқтисодий фаол аҳолининг бир қисмигина ижтимоий фойдали меҳнат билан таъминланганлигини кўрсатади. Иш билан мавсумий бандлик – меҳнатга қобилиятли аҳолини табиий-иклим хусусиятларини ҳисобга олган

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида» Қонуни. //Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 й., 5-6-сон 97-модда; 1999 й., 1-сон, 20-модда; 5-сон, 124-модда; 9-сон, 229-модда; 2000 й., 5-6-сон, 153-модда; 2001 й., 5-сон, 89-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 25-26-сон, 225-модда; 2009 й., 52-сон, 553-модда.

ҳолда вақти-вақти (одатда муайян мавсумларда) ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этишдир.

3. Иш билан яширин бандлик – ҳолда пул тўланмайдиган узок муддатли таътилда бўлганлар норасмий равишда (иш билан банд сифатида расман рўйхатга олинмасдан) турли савдо-сотик, аҳолига хизмат кўрсатиш билан машғул бўлишади.

4. Иш билан даврий бандлик – муайян муддатда меҳнат фаолияти билан машғул бўлиш, муайян муддатда дам олишни билдиради. Иш билан бандликнинг бу тури асосан нефть, газ саноати, балиқчилик тармоқларида вахта усулида ишловчиларни назарда тутди.

5. Иш билан самарали бандлик – аҳолида иш билан бандликка эҳтиёж мавжуд иш ўринларига мувофиқ келишининг сифат хусусияти бўлиб, иктисодий нуктаи назардан меҳнат ресурсларидан энг оқилона фойдаланишни, ижтимоий жиҳатдан меҳнат фаолиятининг инсон манфаатларига энг мувофиқ келишини билдиради.

Профессор И.И. Елишева иш билан бандликнинг бу турлари билан бирга иккиламчи бандликни ҳам кўрсатди. Унинг фикрича, бу меҳнат фаолиятига жалб этилган ишчи кучидан кўшимча (иккиламчи) фойдаланишдир<sup>1</sup>.

Иш билан иккиламчи бандлик амалда ўриндошлик бўлиб, ходим кўшимча даромадга эга бўлиш учун ўз ишчи кучини асосий иш вақтидан бўш вақтда таклиф этишини англатади.


Аҳолининг иш билан тўла бандлигини таъминлаш халқаро ҳужжатларда ҳам ўз ифодасини топган. Хусусан, Халқаро Меҳнат Ташкилотининг иш билан бандлик соҳасидаги сиёсатга тааллуқли 122-конвенциясида мазкур ҳужжатни ратификация қилган мамлакатлар зиммасига тўла, самарали ва эркин танланган иш билан бандлик сиёсатини олиб бориш масъулияти юкланган. Мазкур конвенцияда иш билан тўла бандлик меҳнат қилишга қодир бўлган, иш жойини эгаллашни хоҳлайдиган ва фаол иш қидирадиган ҳамма учун бандлик сифатида белгилаб кўйилган<sup>2</sup>.

Иш билан бандлик меҳнат бозори конъюнктурасига боғлиқдир (1.3-расм). Шунинг учун Р.Ж. Эренберг ва Р.С. Смит меҳнат бозорини тадқиқ этиш талаб ва таклиф билан бошланади ва худди шу

<sup>1</sup>Статистика. Учебник. Под ред. проф. Елисейевой И.И. – М.: ООО “ВИТРЭМ”, 2002. С. 296, 300–302.

<sup>2</sup>Халқаро Меҳнат Ташкилотининг асосий конвенциялари ва тавсиялари. –Т.: Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази, 2008. Б. 116.

билан тугайди ҳамда меҳнат бозори амал қилишининг ҳар қандай натижаси ҳамма вақт у ёки бу даражада мазкур таркибий қисмларнинг даражаси ва ўзаро муносабатига боғлиқ, деб кўрсатади<sup>1</sup>.



**1.3-расм. Меҳнат бозори конъюнктураси**

Ишчи кучи меҳнат бозорида истемол бозоридаги оддий товарлардан фарқли равишда харидор эҳтиёжини қондириш учун эмас, балки муайян иш бажариш, хизмат кўрсатиш мақсадида сотиб олинади. Бу ишчи кучини эса меҳнатга лаёқатли муайян гуруҳлар:

- ишга муҳтож бўлиб иш қидираётганлар;
- ишга эга бўлган ҳолда ўз меҳнат фаолиятдан қониқмасдан, бошқа муносиброк иш қидираётганлар;

• ҳозир иш билан банд бўлса ҳам яқин орада иш ўрнини йўқотиши хавфи бўлгани учун ҳар эҳтимолга қарши янги иш жойи қидираётганлар таклиф қилади.

Меҳнат бозорида ишчи кучига талаб иш берувчилар томонидан шакллантирилади. Ишчи кучига талаб – меҳнатга эҳтиёжни аниқлатади, яъни ишлаб чиқувчилар муайян вақтда белгиланган иш ҳақиға қанча ходимни ёллашлари мумкинлигини ифода этади.

Ишчи кучига талабни мулкчилик шакллари, иқтисодиёт тармоқлари, иш ўринларининг бандлиги ёки банд эмаслиги кўринишида ифода этиш мумкин (1.4-расм).


Ишчи кучига талабнинг ўзгаришига қатор омиллар:

- меҳнат баҳоси (иш ҳақи миқдори);
- ишлаб чиқарилаётган маҳсулот, кўрсатилаётган хизматга эҳтиёж;
- қўлланилаётган технологиялар таъсир кўрсатади.

Жумладан, у ёки бу ишлаб чиқаришда технология, дастгоҳ ва ускуналар, бошқа воситалар ўзгармагани ҳолда иш ҳақи миқдори кўпайса, табиийки, маҳсулот таннархи ҳамда нархи ортади. Харидор

<sup>1</sup> Эренберг Р.Дж., Смит Р.С. Современная экономика труда: теория и государственная политика. – М., 1996. – С. 3.

қимматлашган товарни камроқ сотиб олишга мажбур бўлади, бу иш берувчини ҳам ишлаб чиқариш ҳажмини камайтиришга мажбур қилади. Оқибатда иш билан бандлик даражаси пасаяди. Бу иктисодиёт фанида, кўлам самараси, деб аталади.



1.4-расм. Meъnat boзopида иш билан бандликка талабнинг шаклланиши

Иш берувчи ходим иш ҳақи миқдорини оширган ҳолда маҳсулот таннархини ишлаб чиқариш чиқимларини замонавий технологияларни жорий этиш йўли билан камайтириш орқали арзонлаштиришга муваффақ бўлиши мумкин. Бу ҳолда ҳам ишлаб чиқариш технологиялари меҳнат сарфини камайтириб, иш билан бандликни кискартиради. Бу иктисодиёт фанида, ўриндошлик самараси, номини олган. Яъни мазкур ҳолда капитал (замонавий технологиялар учун сармоя сарфи) ишчи кучи ўрнини босади.

Умуман олганда, меҳнат бозорида ишчи кучига талабнинг шаклланиши иш берувчи эҳтиёжлари ва манфаатларига бўйсундирилган. Бунда иш берувчи учун асосий омил – ишлаб чиқараётган маҳсулоти (хизмати)нинг бозорда рақобатбардошлигини таъминлаб, фойда олишдир.

Ишчи берувчи – мустақил иш кўрадиган ва мунтазам равишда битта ва undan кўпроқ ходимни ишга ёллайдиган шахсдир.

Ишчи кучи таклифи шаклланишида ходимнинг эҳтиёж ва манфаатлари асосий аҳамиятга эга. Ходим учун энг асосийси – таклиф этаётган ишчи кучи учун имкони борича юқори ҳақ олиш, меҳнат фаолиятининг мазмун ва шарт-шароитлари муносиб бўлишидир.